Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 131 (3632)
10 ШАНБА ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИЛДИ, ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шаҳар марксизм-ленинизм университетида меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича совет раислари доимий шаҳар семинарининг якуловчи машғулоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, иқтисодий таълим бўйича шаҳар советининг раиси К. П. Дудин «КПСС XXV съезди иқтисодий таълимининг меҳнатни ташкил этиш бўйича илғор тажрибаларни кенг ёйиш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этишдаги ролини ошириш тўғрисида» мавзуида доклад қилди.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, иқтисодий таълим бўйича бирлашма советининг раиси М. А. Базанов, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси кинолаборатория с ининг бошлиғи Ю. С. Волков, тўқимачилик комбинати касаба союз комитети раисининг ўринбосари П. С. Синицина иқтисодий таълимни ташкил этиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси,

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида

СССР партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакия Социалистик Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг шу йил 30 майдан 2 июнгача ЧССРга қилган расмий дўстона визити якунларини кўриб чиқдилар.

Совет делегациясининг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия партия-давлат раҳбарлари билан олиб борган музокаралари, шу музокаралар натижасида қабул қилинган кўшма баёнот иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни шубҳасиз юксак погонага кўтаради. Совет—Чехословакия муносабатларини бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлайди. Партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари йўли билан алоқаларни кучайтириш, ишлаб чиқаришни кооперативлаш ва ихтисослаштиришни, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро майдонда муштарак мақсадлар учун курашда актив ҳамжиҳатлик — мана шуларнинг ҳаммаси иккала қардош халқларнинг муносабатларини сермазмун қилади, улар олдида турган социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Чехословакия меҳнаткашларининг кенг оммаси совет делегациясини сидқидилдан кутиб олганлиги Совет— Чехословакия дўстлиги мустаҳкам ва теран эканлигини кўрсатувчи янги ёркин намойиш бўлиб қолди. Бу шуни яна бир марта жуда яққол тасдиқладики, замон синовидан ўтган бу дўстлик ҳозирги вақтда социализмнинг халқаро позицияларини ва тинчлик ишини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Визит кунларида социалистик давлатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида куч-гайратларни аямасликка қатъий аҳд қилганликлари Прагада янги куч билан намоён бўлди. Қуролланиш пойгасининг янги хатарли даврасини бошлашга, халқаро кескинликни юмшатишни барбод этишга ҳар хил сохта баҳоналар билан уринаётган кимсаларга муносиб зарба берилди. Халқаро вазиятнинг актуал проблемалари юзасидан Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг яна бир бор баён этилган принципиал позициясини барча тинчлик ва социал тараққиёт тарафдорлари мамнуният билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Л. И. Брежнев ва совет партия-ҳукумат делегацияси аъзоларининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети тегишли партия, совет ва хўжалик органлари визит давомида Совет ва Чехословакия томонлари эришган аҳдлашувларнинг батамом ва ўз вақтида амалга оширилиши учун барча зарур ишларни қилажакларини принципиал муҳим деб ҳисоблайдилар.

• *Беш йиллик вахтасида*

220 ТА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯ

Енгил металл конструкциялари заводи ҳовлисига кирсангиз, чиройли қилиб ишланган «Ҳурмат тахтаси»да пайвандчилар Ю. Будняев, Н. Краюшкин, машинист М. Литвинова, слесарь В. Наумов ва бошқа ишчиларнинг суратига кўзингиз тушади. Ўтган юбилей йилидаги социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган бу ишчилар бу йил ҳам самарали меҳнат қилиб, коллектив таҳсинига сазовор бўлишяпти. Уларнинг ҳаммаси беш йилликнинг уч йили топширишини СССР янги Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилиб, смена топшириқларини 120 — 130 процентга етказиб адо этишяпти. Завод партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари илғорлар сафини ўстиришга, оз маблағ сарфлаб, кўп ва сифатли металл конструкциялар тайёрлашга ҳаракат қиляпти.

Заводда беш йиллик товар маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 101.7 процент, реализация плани эса 101 процент бажарилди. Йил бошидан бери буюртмачиларга жўнатилган сифатли металл конструкциялар эса 220 тага етади.

Эртага—енгил саноат ходимлари куни

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 44 моделдаги буюм Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Бу жами маҳсулотнинг 42,7 процентини ташкил этади. Корхона коллективи енгил саноат ходимлари кунининг ҳам яхши меҳнат натижалари билан кутиб оляпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқ муваффақиятли адо этилди.

СУРАТЛАРДА: чапда— бирлашманинг тикув цехида; ўнгда— техника контроли бўлими назоратчилари Эля Идрисова ва Людмила Курда.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

Бригада пудрати усулида

«Главташкентстр о й» 4-трести коллективлари орасида Николай Комиссаров етакчилик қилаётган бригада биринчи бўлиб СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигига қадар уч йиллик топшириқни бажариш ташаббусига қўшилган эди. 18-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган бу бригада ишчилари кунлик топшириқни мунтазам ошириб бажариш билан бирга ишни фақат юксак сифатда бажаришга эришяптилар.

Ҳозир бу коллектив Ўзбекистон ССР Фанлар академияси целлюлоза химик технологияси илмий текшириш институтининг ходимлари учун ётоқхона бунёд этишмоқда. 224 ўринли тўқиз қаватли бу ётоқхона Луначарский шоссесида қад кўтараяпти.

Бригада пудрати усулига амал қилган бригада аъзолари шу йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлигини 10 процент оширишди. Ҳозир бригаданинг меҳнат календарида август ойи ўтиб бормоқда. Монтажчи Евгений Тарасов, пайвандчи Алексей Хан ва бошқалар кунлик топшириқни 20—30 процент ошириб бажариш билан бригада муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Жадал суръат билан

Беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилган пардозлаш трестига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг Турсун Исмоилов етакчилигидаги бригадаси аъзолари йил бошидан оқилона ишлатаётганлиги туфайли қувончли натижаларга эришяпти. Шунинг учун ҳам аҳил коллектив қайси объектда ишламасин ойлик планларини 125—130 процентдан ошириб адо этмоқда.

Айни кунларда бригада азаматлари Чилонзор массивининг Д—19 кварталида қад ростлаган 1568 ўринли янги мактаб биносида пардозлаш ишларини тезкорлик билан давом эттиришяпти. Бу ерда ҳар бир жилокор кун сайин суръатни ошириб, унумли меҳнат қилаётганлиги учун аҳил коллектив ўзаро мусобақада карвонбошилик қиляпти.

Бунда бригада аъзоларидан Саломат Шагимарадорлигини 10 процент оширишди. Ҳозир бригаданинг меҳнат календарида август ойи ўтиб бормоқда. Монтажчи Евгений Тарасов, пайвандчи Алексей Хан ва бошқалар кунлик топшириқни 20—30 процент ошириб бажариш билан бригада муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Жадал суръат билан

Беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилган пардозлаш трестига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг Турсун Исмоилов етакчилигидаги бригадаси аъзолари йил бошидан оқилона ишлатаётганлиги туфайли қувончли натижаларга эришяпти. Шунинг учун ҳам аҳил коллектив қайси объектда ишламасин ойлик планларини 125—130 процентдан ошириб адо этмоқда.

Айни кунларда бригада азаматлари Чилонзор массивининг Д—19 кварталида қад ростлаган 1568 ўринли янги мактаб биносида пардозлаш ишларини тезкорлик билан давом эттиришяпти. Бу ерда ҳар бир жилокор кун сайин суръатни ошириб, унумли меҳнат қилаётганлиги учун аҳил коллектив ўзаро мусобақада карвонбошилик қиляпти.

Бунда бригада аъзоларидан Саломат Шагимаҳметов, Оқил Маҳкамов, Абдураҳим Абубакиров, Галия Насибуллина сингари мусобақа пешқадамларининг муносиб ҳиссалари бор. Улар коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни ҳар томонлама оқлаб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Куба Республикаси Давлат Кенгашининг топшириғига биноан Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре дель Кристо 9 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга «Куба революцион қуролли кучларининг XX йиллиги» эсдалик медалини топширди. Медаль «Гранма» яхтасидан бир группа кўрбелик ватанпарварлар соҳилга туширилганлигининг 20 йиллигини нишонлаб таъсис этилганди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофот учун Куба Республикасининг раҳбарларига сидқидилдан ташаккур билдирди.

● Швеция қироли Карл XVI Густав 8 июнда А. В. Шчусев номли архитектура музейида «Швеция кумуши» кўргазмасининг очилиш маросимида қатнашди. Олий мартабали меҳмон СССР Фанлар академиясида бўлди. Бу ерда физика-химия биологиясига бағишлаб очилган Совет—Швеция симпозиумида нутқ сўзлади.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча Иваново дан Москвага жўнаб кетди.

ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Тошкент автомобиль йўли институтини битирган кўпчиқсоз инженерлардан дастлабки 37 киши республиканинг турли областларида ишлагани йўлланма олди. Кўпчиқсоз инженерлар олий мактаб тайёрлаб чиқараётган мутахассисларининг саккизинчи хилидир. Ҳозирги вақтда бу ерни битирган кўпчиқсоз инженерлар Ўзбекистон да гина эмас, бошқа қардош республикалар нинг катта-катта машинасозлик корхоналарида ҳам ишламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Халқаро мавзуда суҳбат

ЯНА АФРИКАНИ БЎЛИБ ОЛИШМОҚЧИМИ?

Шу ҳафта ичида Париждаги Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш Ғарбнинг Африкага нисбатан сиёсатини белгилашга бағишланди. Кенгашда беш давлат — Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Ғарбий Германия ва Бельгиянинг олий мартабалари арбоблари қатнашдилар. Париждa тақдири ҳал қилинаётган Африка мамлакатлари бу кенгашга таклиф этилмади.

Зиардаги воқеалар Парижда учрашиш учун бевосита сабаб бўлди, Маълумки, шу мамлакатнинг вилоятларидан бирида порахўрлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиб, шарманда бўлган генерал Мобуту режимига қарши кўзғолон келиб чиқди. Вашингтон дарҳол бу кўзғолон четдан ташкил қилинди ва унга Совет Иттифоқи билан Куба ёрдам беряпти, деб асоссиз равишда айб тўнкади. Ҳар иккала социалистик мамлакат Заирдаги воқеаларга дахлдор эмасликларини қатъий равишда билдирдилар. Аммо ғарб мамлакатлари кўзғолонни бостириш учун ўз қўшинларини юбориш мақсадида «коммунистик хавф» деган сафсаталардан фойдаландилар.

Кўзғолон кўтарилган районга Америка ҳарбий самолётлари орқали туширилган француз ва Бельгия парашютчилари Мобуту режимининг мухолифларини вахшиёна жазолади. Ғарб матбуоти уларнинг ишини гўё «инсонпарварлик»дан иборат, гап Заирда доимий истиқомат қилувчи ва ишловчи бир неча юз европаликнинг «хавф остида қолган» ҳаётини қутқазиш тўғрисида бормоқда, деб жар солган бир пайтда, аҳвол тамомила бошқача эканлигини кўрсатувчи янги-янги далиллар юзага чиқа бошлади. Шу нарса маълум бўлдики, европаликлар ҳам, африкалик маҳаллий аҳоли ҳам кўзғолон туфайли эмас, балки Мобуту армиясининг солдатлари бошлаган ялпи жазолаш туфайли хавф остида қолганлар.

Босқинчилар ҳам мана шу жазолаш ишига ўзларининг шармандали ҳиссаларини қўшдилар. Воқеаларнинг боришини ўз кўзи билан кўрган кўпгина кишиларнинг далолат бериб айтишича, Жазоирдаги мустамлакачилик урушининг «ветеранлари» раҳбарлик қилган француз парашютлари кўзғолон иштирокчиларининг н а эмас, балки унга сира алоқадор бўлмаган кишиларни, шу жумладан Мобутунинг чирик режимидан норози бўлган кўпгина европаликларни ҳам шафқатсиз қийнаганлар ва ўлдирганлар. НАТОнинг яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган сессияси ғарб мамлакатлари Африка ишларига аралашувни доимий давом эттиришга, Африка халқларини ғарб учун қулай бўлган ҳукуматлар тузишга мажбур этишга, қитъада империализм манфаатларига халал етказадиган прогрессив ижтимоий ислоҳотларнинг амалга оширилишга халақит беришга қарор қилди.

НАТО кенгашининг сессиясида бўлганидек, Париждаги учрашувда ҳам гап Африкада Шимолий Атлантика иттифоқига малай бўлишга тайёр турган мамлакатлар Иттифоқини тузиш ва уни бутун эрксевар Африкага қарши қўйиш тўғрисида борди. Янги мустамлакачилик позицияларини қимоя қилиб қолиш учун қандайдир полиция кучларини тузиш планлаштирилди. Бу кучлар европаликлардан иборат солдатлар билан бир қаторда Африкада ғарбга тарафдор реакцион режимларнинг ҳарбий хизматчиларидан ҳам иборат бўлади.

Париж кенгашининг иштирокчилари ғарбнинг шошилинч ҳарбий, шунингдек иқтисодий ёрдамисиз Мобутунинг чирик ҳокимияти Заирда ҳатто бир неча ҳафта ҳам сақланиб қола олмаслигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар Мобутуга ёрдам беришнинг йўлларини қидирдилар. Ҳақиқатан ҳам, Шаба вилоятининг бир қанча пунктларида Мобутуга қарши қўзғолон ўчоқлари бостирилганидан кейин шу мамлакатнинг бошқа районларида қўзғолон бошланиб кетди. Шунинг учун ҳам Мобутуга ёрдам учун солдатлар юборишдан ташқари яна баъзи бир моддий ёрдам кўрсатишга ҳам қарор қилишди. Бундай тадбирнинг қанчалик самарали бўлишини айтиш қийин, чунки тажриба кўрсатганидек, ғарбнинг Заирга юборадиган пул маблағларини анчагина қисми Мобутунинг ва унинг атрофидаги бир қанча кишиларнинг чўнтагига киради.

НАТОга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг мана шу қимматга тушадиган, шон-шуҳратсиз ва истиқболсиз операциядан ўзини четга тортганлиги тасодифий бўлмаса керак. Масалан, Шимолий Атлантика иттифоқи составига кирган Италия, Норвегия, Дания, Голландия ва бошқа баъзи давлатларнинг вакиллари Париждаги кенгашда қатнашмадилар. Ҳозирги интервенцияда бевосита қатнашадиган мамлакатларга келганда уларнинг жамоатчилиги бошқаларнинг ишига кўпол равишда аралашаётганлиги учун ўз ҳукуматларини кескин қораламоқдалар.

Яқиндагина улоқтириб ташланган мустамлакачиларнинг яна шу юртларга суқилиб киришига уринишларига қарши норозилик ҳаракати бутун Африкада авж олиб кетди.

Совет кишилари африкаликлар билан қардошларча бирдам эканликларини яна изҳор этмоқдалар, қора танлилар қитъаси халқларининг империализмга ва уларнинг ҳомийларига қарши олиб бораётган адолатли курашида муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

А. КРАСИКОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

• *Маданият янгилиги*

Рус поэзиясининг фахри

«Ташсельмаш» заводининг маданият саройи улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин туғилган кунининг 179 йиллиги муносабати билан машинасозлар учун катта адабий кеча ўтказди.

Адабиётшунос Т. А. Батова мутафаккир шоирнинг босиб ўтган жўшқин ҳаёт йўли ва шоир поэзиясининг бебаҳолиги ҳақида гапириб берди.

Маданият саройининг бадиий хаваскорлик коллективлари р и Пушкин шеърлари асосида яратилган қўшиқларни маҳорат билан куйладилар. Ишчиларда яхши тасаввур қолдирган бу поэзия оқшомида шоирнинг қиссаси асосида ишланган «Дубровский» бадиий фильми кўрсатилди.

Кутубхонанинг ибратли иши

Ҳамза районидаги Пушкин номли марказий катталар кутубхонаси китобхонларнинг чинакам маърифат даргоҳида айланган. Унинг жавонларида юз мингдан зиёд турли хил адабиётлар ўрин олган. Бу китобларни уч мингдан ортик киши ўқиб баҳраманд бўлмоқда. Жавонлардаги китоблар орасида улуғ рус шоири Пушкиннинг турли йилларда, турли тилларда нашр этилган жуда кўп номдаги китоблари ҳам сақланмоқда.

Кутубхона коллективи рус поэзиясининг ифтихори бўлган Пушкинга бағишлаб ўтказилаётган анъанавий пушкинхонлик маданий тадбирларда қатнашишга ҳам қизғин ҳозирлик кўрди. Бунинг учун бу ерда махсус китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Китобхонлар қизиқиб танишаётган экспонатлар улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди жуда ҳам қизғин бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Маданият даргоҳининг ходимлари Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари учун Пушкинга бағишланган поэзия оқшомини ўтказдилар.

Тинчлик қўшиғи

Яқинда энергетиклар маданият саройи кишилар билан одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда Ленин комсомоли туғилган кунининг 60 йиллиги олдидан қизиқарли маданий тадбир ўтказилди.

Маданият саройи маъмурияти ва Тошкент Давлат маданият институти студентлари уюштирган кеча қизиқарли ўтди. Студентлардан Люба Газиева ва Маъмура Абдураҳмоновалар раҳбарлигида тайёрланган «Қаҳрамонлар ишига содиқмиз» деб номланган адабий музикали композиция намойиш этилди. Студентлар Улуғ Ватан урушида совет жангчилари кўрсатган жасоратни саҳнада маҳорат билан гавдалантирдилар. Айниқса М. Одилқориева, М. Абдумуродова, Ф. Ғуломов ва бошқалар ижро этган жасорат лавҳалари таъсирчанлиги билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

• *Шаҳримиз—фахримиз*

КЎЧА КЕНГАЙМОҚДА

Шаҳримиздаги ихтисослаштирилган йўлэксплуатация трести йўлсозлари Ҳамза районидаги Боткин кўчасини кенгайтириш ишларини олиб боришмоқда. Бу ерда йўлнинг эгри-бугри жойларини текислаш, ўринсиз жойлашган симёғочларни олиб ташлаш ҳисобига кўча ҳар томонлама обод қилиб, транспорт ҳаракатига қулайлик яратиляпти. Кўча атрофлари ҳам гўзаллаштирилиб, суғориш тармоқлари ўрнатилияпти.

Район ободонлаштириш бошқармаси эса завод ва корхоналар билан ҳамкорликда Сельмаш кўчаси атрофидаги тўсиқларни янгилаш ишларини олиб боряпти. Бу ерда 2 ва 6-темир-бетон буюмлари заводлари, «Ташсельмаш» ва бошқа корхоналарнинг кучи билан 600 погон метрдан кўпроқ эски тўсиқлар янги, чиройли тўсиқлар билан алмаштирилди.

Райондаги бошқа кўчаларда ҳам капитал ва жорий ремонт, ободончилик ишлари жадал олиб борилияпти.

Ҳадра майдонининг жамоли кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Кейинги пайтда бу ерда жуда кўп турар жой ва маъмурий бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: майдонда яқинда қуриб битказилган тўққиз қаватли турар жой бинолари.

Х. Шодиев фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ XVI ЧАҚИРИҚ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг XVI чақириқ VI сессияси 1978 йил 22 июнда чақирилсин.

Шаҳар Советининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида» 1977 йил 22 декабрда қабул қилган қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу ҳақда 1978 йил 25 январда қабул қилган қарори асосида ёшларнинг умумий ўрта таълим олишларини таъминлаш тўғрисида.

2. Сайлов олди йиғилишларида сайловчилар томонидан ССРР ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва шаҳар Совети халқ депутатларига берилган наказларнинг бажарилиши тўғрисида.

3. Депутатлик бурчларини, Совет ва унинг органлари томонидан берилган топшириқларни қандай бажараётганликлари ҳақида шаҳар Совети депутатларининг ахборотлари.

Ижроия комитет раиси В. О. КОЗИМОВ.
Секретарь М. М. МАРТЬЯНОВА.

телетайп лентасидан

◆ БУХАРЕСТ. Руминия пойтахтида Узаро Иқтисодий Ердам Кенгаши геология доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар, шунингдек Югославия делегациялари қатнашди.

Шу соҳада узоқ муддатли махсус ҳамкорлик программасини ишлаб чиқиш, геологик ишлар ўтказиш учун техника воситаларини яратишга тааллуқли масалалар муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Комиссиянинг иши дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

◆ ВАШИНГТОН. Америкаларнинг кўпчилиги ўқ отувчи қуроллар бўлан назоратсиз савдо-сотиққа қарши чиқмоқда, буни мамлакатда жиноятчилик кўпайишига кўмак берувчи омиллардан бири деб ҳисобламоқда. Зўравонликни ўрганиш ва унинг олдини олиш билан шуғулланувчи марказ шуни маълум қилди.

Умумдавлат миқёсида жамоатчилик фикрини сўраш натижаларига кўра, АҚШ аҳолисининг 70 процентдан ошиғи ана шундай чекланиш, кейинчалик эса қуролярогни назоратсиз сотишни тамоман тақиқлашни талаб қилмоқда.

◆ САН-ХОСЕ. Никарагуадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети миллий гвардия қамағанидан сўнг «бедарак йўқолган» 500 дан ошиқ никарагуалик деҳқоннинг қисмати нима бўлганлигини диктатор Самоса айтиб беришни талаб қилди.

Қамалган деҳқонларнинг қариндошлари бундан аввал Самосадан шу гапни сўраб бирон жавоб ололмагандилар.

◆ ТОКИО. Америка самолётсозлиги маҳсулотлари фойдалироқ сотилишини таъминлаш учун Японияниг манфаатдор кишиларини сотиб олиш билан фақат «Локхид» концерни эмас, балки, АҚШлаги бошқа самолётсозлик гиганти — «Боинг» ҳам шуғулланган. «Локхид» билан жанжал юзасидан бу ерда ўтаётган суд жараёнида шу нарса маълум бўлди. Япония авиакомпаниясининг собиқ бошлиғи Ана К. Фудзивара 1971—1972 йилларда «Боинг» концерни «Япон бозорида ўз самолётларининг сотилишини таъминлаши учун» Анага 90 миллион иен берганлигига иқрор бўлди.

(ТАСС).

Советлар ҳаётидан

ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

ЎРТОҚ Леонид Ильич Брежнев маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига мурожаат қилиб, шундай деган эди: **«Ўртоқлар, совет кишиларининг фаровонлиги ҳам, кайфияти ҳам сиз ларга, сизларнинг меҳнатларингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни эсдан чиқармант. Ташаббус кўрсатиб, яхши ишланг из, илғорларга тенглашингиз. Партия сизларни шунга даъват этмоқда, сизлардан шуни кутмоқда».** Бу чақириқ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маданиятини юқори даражага кўтаришга даъват этади. Буни доимо диққат-эътиборда сақлаб келаётган халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети район аҳолисига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш масаласига биринчи даражали эътибор бермоқда. Шуни айтишнинг ўзи кифоя, ана шу масала район Советининг бир қатор сессияларида, ижроия комитет мажлисларида кўриб чиқилди. Совет қошидаги коммунал-маиший хизмат кўрсатиш бўйича депутатлик комиссияси ҳам ана шу масала устида муттасил иш олиб бормоқда. Масалан, сайловчилар томонидан берилган наказларнинг бажарилишини муҳокама этган район Советининг VI сессиясида Юнусобод массивида ҳамда районнинг саноат корхоналарида ижтимоий мажбуриятларини муваффақиятли адо этди. В. И. Ленин номли якка тартибда кийим тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Илғор» бирлашмаси, «Сервис» фирмаси, «Фотореклама» комбинати, саноатдан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасининг 1400 га яқин ходимлари қатнашаётганлиги фикримизнинг далилидир. Жумладан, 700 киши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун бошланган ҳаракат қатнашчисидир, 270 киши эса «Коммунистик меҳнат зарбдори» шарафли номига сазовор бўлган. Районимизда ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш ходимлари борки, улар халқ депутатлари ва халқ назоратчилари қилиб сайланганлар.

Район маиший хизмат кўрсатиш индустриясининг В. Пенькова, Я. Вайзнюк, К. Сайдалиев, Я. Саидалиев, Я. Саидмуҳамедов каби ўнлаб ходимлари беш йилликнинг уч йили планини СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажариш мажбуриятини олишган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маданияти ва сифат даражасини ошириш кўп жиҳатдан корхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, янги технологияни жорий этишга боғлиқ эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу борада бизнинг районимизда ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Масалан, 1977 йилда В. И. Ленин номли якка тартибда кийим тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ритм» системаси жорий этилдики, бу система участкаларнинг ишини аниқ ва тез бажаришга имкон беради. Ҳозир бир қатор прогрессив ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилди. Бу тадбирларни амалга ошириш маҳсулот сифатини бирмунча яхшилаш, хилларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш имконини берди.

Кейинги икки йилнинг ўзидагина райондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатишнинг 30 га яқин хиллари жорий этилди.

Шу билан бирга район совети ижроия комитетининг бу борада олиб борган ишига танқидий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки, кировликларнинг маиший хизмат кўрсатиш борасида эришган ютуқлари ҳамон ҳозирги замон талаблари даражасида эмас. Аввало биз «Химчистка» фабрикасига, «Зангори экран» бошқармасига, «Тошкент гуллари» идорасига, «Стройрембит» бошқармасига қарашли корхоналарда план ва социалистик мажбуриятларнинг бир меъёрда бажарилишига эриша олганимизча йўқ. Ана шу фабрика ва бошқармаларнинг корхоналари кейинги ойда аҳолига 107 минг сўмлик маиший хизматни кўрсата олмадилар. Район ижроия комитетига маиший хизмат кўрсатиш ишлари кониқарсиз олиб борилаётганлиги тўғрисида шикоятлар ва ҳақли эътирозлар тушиб турибди. Буюртмаларнинг сифатсиз бажарилиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Яқин келажакда ана шу камчиликларни бартараф этиш биз, депутатларнинг вазифамиздир. Район маиший хизмат кўрсатиш иши тўғрисида депутатларнинг ғамхўрлик қилишлари бу соҳани янада юксак даражага кўтариш имконини беради.

О. РАСУЛОВ,
Киров район ижроия комитетининг раиси.

• *Бизнинг интервью*

Ер ости йўллари туташганда

Пойтахтимизда ер ости йўли фойдаланишга топширилганига етти ойдан ошди. Бугун метрополитен тошкентликларнинг одатдаги энг қулай транспортларидан бирига айланиб қолди. Ҳар кунн у 130-150 минг тошкентликларнинг вақтини тежаб, манзилини яқин қилмоқда.

Айни пайтда, метросозлар Тошкент ер ости йўли биринчи навбатининг иккинчи участкаси қурилишини ҳам зарбдор суръатлар билан олиб боришмоқда. Ана шу участкада бажарилаётган ишлар миқёси, унинг маромн ва проблемалари, метросозлик истиқболлари ҳар бир тошкентликни қизиқтиради. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент метро қурилиш трестининг бошқарувчиси Павел Васильевич СЕМЁНОВ билан учрашиб, унга оқшомхонларни қизиқтирган бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— **Павел Васильевич, Ўрта Осиёда биринчи ер ости йўли қурилиши муносабати билан Тошкентда йирик метросозлар коллектини шаклланди ва таркиб топди. Ўз ваъдалари устидан чиқиб дастлабки метро линиясини муддатидан илгари фойдаланишга топширган катта коллективингизнинг шу кунлардаги энг муҳим ишлари билан таништиринг из.**

— Биринчи навбат ер ости йўлининг 2-участкасидаги ишлар бундан икки йил муқаддам бошлаб юборилган эди. Ҳозир уч станцияни ўз ичига олувчи ана шу трассада бутун коллективимиз кенг сафарбарлик билан ишлаяпти. Тўғрисини айтиш керакки, транспорт ҳаракат қиладиган йўллар тагидан ўтган бу трассада ишлар бир қадар мураккаб. Чунки бу линияда ер ости инженерлик коммуникациялари, электр, алоқа ва бошқа турли кабеллар кўп жойлашган. Уларни ўз вақтида олиниши мушкуллиги ҳам метросозлик ишларини кенг миқёсда ташкил этишга бир қадар халақит бериши табиийдир. Шунинг учун ҳам бу линияда катта ишлар олиб борилаётганига қарамай, баъзан айрим станциялар қурилиши учун иш фронти тайёрлашда графикдан ортда қолиш, унинг бузилиши ҳоллари ҳам бўлиб турибди.

Бундан ташқари, коллективимизнинг бир қисми дастлабки линияда тугалланмай қолган сўнгги қурилиш ишларини давом эттиришмоқда.

— **Ана шу трасса участкаларида қилинаётган ишлар, вестибюлларнинг фойдаланишга топшириш муддатлари ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Аввало ана шу ҳақда гапириб берсангиз.**

— 1 Май байрами арафасида «В. И. Ленин майдони» станциясида эскалаторлар ҳамда иккинчи вестибюль фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, бу станция ҳамда «Собир Раҳимов» бекатлари тўла қувват билан ишлай бошлади. Қурувчиларимиз эрта-индин «Октябрь революцияси» станциясига кириладиган сўнгги йўлакни ҳам фойдаланишга топширадилар. «Чилонзор», «Собир Раҳимов» ва «Ҳамза» станцияларида эса шу кунларда яна биттадан вестибюль ва биттадан йўлак қурилмоқда. Улар август ойида. «Комсомол» станциясидаги иккинчи вестибюль ва йўлак эса сентябрь ойида фойдаланишга топширилади.

«Пахтакор» ва «Халқлар дўстлиги» станцияларининг иккинчи вестибюллари эса янада оригинал бўлиб, Москва метроси станцияларига ўхшаш қилиб қурилмоқда. Ҳар иккала станциянинг ҳам ер устида эскалаторга тушиладиган биноси бўлади. Ў айвонча шаклда айлана қилиб қурилмоқда.

— **Павел Васильевич, «Октябрь революцияси» станцияси ва М. Горький майдони оралиғидаги метро трассасида ҳозиргача бажариб бўлинган ишлар билан таништиринг из.**

— Ҳозир «Октябрь революцияси» станциясидан «Ҳамид Олимжон» станциясигача бўлган трассада ўнг ва чап қанот туннеллари тўла қазиб бўлинган. 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг метросозлари шу кунларда бу ер ости туннелига рельс ётқизиш, рельслар тагига қўйиладиган махсус бетон шпалларни ўрнатишга ҳозирлик кўришмоқда. Бу ер ости йўли орқали чиқиладиган «Ҳамид Олимжон» станциясида эса 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг В. Удовченко бошлиқ участка қурувчилари котлован қазиш, унинг атрофига темир тўсинли қозиқлар қоқиш ишларини олиб боришмоқда. В. Голубов бошлиқ комплекс бригада ҳадемай бу ерда станция пойдеворини ўрнатиш ишларини авж олдиради. Шу кунларда котлован қазиш ишларини тезроқ тугаллаш учун Бекмиев, Гафуров бошлиқ экскаваторчилар ҳамда Райқин бошлиқ шофёрлар экипажлари ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди.

— **Бу станция билан ундан кейинги «Пушкин» станциялари оралиғида ер ости туннели қазиш ишлари қандай бормоқда?**

— Иккала станция оралиғидаги туннель қурилиши ишлари Салор канали ёнидаги 8-шахта орқали амалга оширилмоқда. «Пушкин» станцияси қурилаётган жойдаги бу шахтадан «Ҳамид Олимжон» станцияси томонга туннель очиб келаётган К. Виноградов бошлиқ бригада проходкачилари чап қанот туннелни қазиб бўлиб, станция котлованига ёриб чиқишди. Шу кунларда ўнг қанот туннелни ҳам тезроқ қазиб бўлиш учун проходка ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Метро йўли Салор канали устидан эса худди Оқтепа канали устидаги бўлгани каби эстакада орқали олиб ўтилади. Ҳозир 7-кўприк қуриш трестига қарашли 13-кўприксозлик отряди бунёдкорлари ана шу метро кўприги қурилишини бошлаб юбордилар. Айни пайтда 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бунёдкорлари эстакададан «Пушкин» станциясигача бўлган оралиқ йўлни очиқ усулда қура бошладилар.

— **«Пушкин» ва «М. Горький» станцияларида ҳамда улар оралиғидаги ер ости йўлларида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Яқинда тростимизнинг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси «Пушкин» станцияси учун қотлован қазиш ишларини бошлади. Бу станция келгусида Тошкент ер ости йўлининг энг муҳташам қасрларидан бири бўлиб қолади. Замонавий ва анъанавий меъморчилик уйғунлаштириб қуриладиган бу станция ўзининг жозибаси билан ажралиб туради.

Октябрь Революцияси ордени кавалери В. Булих бошлиқ комплекс приходкачилар бригадаси бу станциядан «М. Горький майдони» станцияси томонга ер ости йўлини қуриб боришмоқда. Метросозлар коллективининг энг зарбдор бригадаларидан ҳисобланган бу коллектив чап ва ўнг қанот туннелларда бир кеча-кундузда беш метрга яқин туннель қазишга муваффақ бўлишмоқда. Иккала станция оралиғидаги туннелни қазиб ишлари 9-шахта орқали амалга оширилмоқда. Бу ер ости йўли қурилишини ҳам ҳозир иккинчи участкала ишлар тутар-тугамас бошлаб юборилади.

Хўш, кейинчи? Кейин Тошкент метро йўллари яна қаерларда туташади? Яқин истиқбол тўғрисидаги бундай саволларга ҳозирданоқ жавоб бериш мумкин. Истиқбол режаларига мувофиқ иккинчи йўналиш йўлидан кейин Аэропорт ва Юнусобод массивини бир-бирига боғловчи учинчи йўналиш ер ости йўлини қуришга киришилади. Бу линия Аэропорт, Шота Руставели ва Богдан Хмельницкий кўчалари кесишадиган майдон. Низомий номли педагогика институти ҳамда Марказий бозор атрофида қуриладиган станциялар орқали «В. И. Ленин майдони» бекатига тутташади ва бу ердан «Марказ—5» кварталн, «Ғалаба» боғи орқали Юнусобод массиви билан боғланади.

Тошкент ер ости йўлларини давом эттиришнинг яна кўпгина режалари ва йўналишлари мавжуд. Булар хозирча истиқбол режаларидир. Аммо энг муҳими, бу режаларни муваффақиятли амалга оширадиган метросозлар коллективи шаҳримизда зарбдорчасига иш олиб бормоқда. Шу режаларни амалга ошириш уларнинг фахрли вазифасидир. Шунга кўра айтиш мумкинки, турли йўналишдаги Тошкент ер ости йўллари бир-бири билан туташадиган кун узоқ эмас.

Суҳбатни
М. АБДУЛЛАЕВ
олиб борди.

• *Вақтдан ўзганлар*

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА ТОВАРЛАР

СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик фабрикасининг коллективи йил бошидан буён планга қўшимча равишда 25 мингта эркаклар кўйлаги тайёрлаб чиқарди. Бунга ишчилар малҳаратини ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали эришилди. Фабрика цехларида кўйлак тикишда бир қанча операцияларни айни бир вақтда бажарадиган тез тикадиган машиналар ўрнатилди. Корхонада дазмоллаш, омборга ташиш ишлари механизациялаштирилган.

Янги машиналар ўрнатилиши сифатли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, турини кенгайтиришга имкон беради. Бу йил Қарши тикувчилик фабрикаси коллективи эркаклар ва болалар кўйлагининг 28 хил янги моделини ўзлаштиришни кўзда тутган. Ҳар ўнта маҳсулотдан биттасини Сифат белгиси безаб туради. Корхона йил охиригача магазин пештахталарига планга қўшимча 250 минг сўмлик маҳсулот юборади.

(ЎзТАГ).

• *Шаҳрим - фахрим*

МИЛЛИЙ УСЛУБДА

Сўнгги йилларда шаҳримизда миллий услубдаги бинолар кўплаб қад кўтармоқда. Архитекторларимиз Ўзбекистоннинг қадимий ноёб архитектура намуналарини сақлаб қолиш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар ва бу борада дастлабки муваффақиятларга эришилди ҳам. Чунки ҳозирги қурилаётган кўпгина бинолар миллий услуб акс этмоқда.

Масалан, биргина Юнусобод массивини олайлик. Бу ердаги жуда кўплаб турар жой бинолари миллий услубда бунёд этилган. Улар нақш ва безаклари билан ўз навбатида массив ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Ўтган йили «А—1» массивида ўта тўққиз қаватли бино миллий услубда қад кўтарди. Шу кеча-кундузда эса қуюқ дарахтлар билан қопланган Аҳмад Дониш кўчасининг икки четида мана шундай ноёб бинолар бунёд этилмоқда. Бино 90 квартирали бўлиб янги конструкцияли фасадга эга. Айни кунларда шулардан бир нечтасида охирги пардозлаш ишлари олиб борилаётир. Пардозлаш ишларини 2-уйсозлик комбинатига қарашли 25-қурилиш бошқармасининг М. Мельников бошчилик қилаётган бригада аъзолари бажаришмоқда. Бригада қурувчиларининг самарали ишлари ҳисобга олиниб яқинда бу коллективга 2-уйсозлик комбинати маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Бригадада илғорлар сафи кун сайин ортиб боряпти. Бу ерда бир беш йилликда икки беш йилликни бажаришга бел боғлаган қурувчиларни кўплаб учратиш мумкин. Бригаданинг бир қанча аъзолари, «Йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажарамиз» шиорига қўшилиб ишлаяпти. Бундайлар жумласига М. Аҳметшина, В. Саидова, Н. Мельниковаларни киритиш мумкин. Бу илғорлар донмо кунлик топшириқларини 130 — 150 процентга етказиб адо этишмоқда.



СУРАТЛАРДА: миллий услубда қурилаётган тўққиз қаватли турар жой биносининг ташқи кўриниши.

Пастдаги суратда бригаданинг илғор аъзоларидан Т. Ермакова ва Н. Мельниковаларни иш устида кўриб турибсиз.

Х. Мирзакаримов
фотолари.

• *Республика бўйлаб*

БУХОРО ГАЗИ ҚУРИҚ ЕРДА

Бухоро гази Жумашўй райони марказига етиб келди. Кўпгина корхоналар ва муассасалар, чўлқуварларнинг салкам 200 оиласи арзон табиий ёқилғи олди. «Намангангаз» область бирлашмасининг мутахассислари 14 километр узунликдаги магистралда ишга туширишсозлаш ишларини муддатидан деярли уч ой илгари тугалладилар, автоматик газ тақсимлаш станциясини қуриб битказдилар. Улар газ қувурини ўтказиш учун энг қулай йўналишни танлаб, унинг узунлигини лойиҳада белгиланганидан уч километр қисқартишга ва шу тариқа 60 минг сўм пулни тежаб қолишга эришдилар.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЁРДАМИ

Ангрен юк ортиш-транспорт бошқармасининг коллективи Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида дала шийпони қуриб берди. Бу ерда ётоқхона, ошхона, душхона, дам олиш хонаси, кичик кутубхона бор. Корхона коллективи бу йил машина-механизмларни ремонт қилишда ҳам колхозчиларга қўмаклашишга қарор қилди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сурхондарё пармалаш ишлари бошқармасидан Г. Тимохин бошлиқ бригада Ангор янги разведка майдонида биринчи кон — қудуқни ковлашга киришди. Бу коллектив ана шу майдонда ишни бошлай туриб, лойиҳада белгиланган тўрт минг метр чуқурликни муддатидан бир ой илгари пармалашга эришиш мажбуриятини олди. Ангор — сурхондарёлик пармаловчилар ҳозирги вақтда нефть ва газ қидираётган саккизинчи разведка майдонидир.

(ЎзТАГ).

Ҳозирча фақат эътирозлар

„Тошкент оқшоми"ва „Вечерний Ташкент"

НАЗОРАТ ПОСТИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасини ва ип фабрикасининг бўяш цехини реконструкция қилаётган қурувчиларнинг ҳамма учрашувлари бир-биридан фарқ қилмайди: ҳар планеркада бош пудратчи, ёрдамчи-пудратчи, буюртмачи бир-бирларига эътирозлар билдиришади. Натижа эса бир хил — қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар қонқарсиз бораётганлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат.

Бош пудратчи — «Ташпромстрой» трестининг 63-қурилиш-монтаж бошқармаси бунга барҳам бериш мақсадида май ойида «қатъий» график тузиб, бу ҳақда ёрдамчи-пудратчи ташкилотлар билан келишган ва ишга жиддий киришгандек эди.

Аммо мана май ойи ҳам ортда қолди. Якун ясалганда, 152 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки 242 минг сўмлик ишни бажариш режалаштирилган эди.

Айбдорларни излаб, қурилиш занжири синчиклаб «кўриб чиқилганда» унинг бўш ҳалқаси — «Спецэлеватормельстрой» трестининг 18-кўчма механизациялашган колоннаси эканлиги аниқланди. Чиндан ҳам кўчма колонна раҳбарлиги (бош инженери В. Ставицкий) ҳалигача объектда қўшимча 2-минорали кран ўрнатиш ҳақида кўрсатма бермаган экан. Ишчилар сонини кўпайтириш ҳақидаги масала ҳам ҳал этилмаган. Қурилиш майдонида пландаги 40 ўрнига 18 киши меҳнат қилмоқда.

18-кўчма механизациялашган колоннанинг бундай суст ишлашига сабаб нима? Бунинг аниқлаш учун «қурилиш қонунининг» замирига назар ташлаб кўрайлик.

Объектга бош пудратчи тайинланаётганда (ушбу ҳолда 63-қурилиш-монтаж бошқармаси) ташкилотнинг план ва мажбуриятлари қандай бажарилганлиги ҳақидаги шахсий сифатларитина эмас, ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг меҳнат жараёнини қандай ташкил эта билиши, объектни қурилиш материаллари, саноат буюмлари ва бошқа материаллар билан қандай таъминлай олиши ҳақидаги сифатлари ҳам ҳисобга олинади.

63-қурилиш-монтаж бошқармаси эса план топшириқлари ва мажбуриятларини уддалай олмаган ҳолда, ишга туширилаётган объектни комплекс йиғма-темир-бетон билан таъминлаш, қурилиш майдонига кириш йўлларини барпо этиш, ёрдамчи-пудратчи ташкилотларга иш фронтини яратиш тўғрисида ҳам гамхўрлик қилмаяпти.

Энди ип фабрикаси бўяш цехининг трансформатор электр подстанцияси қурилиши ҳақида. Ушбу объектни ишга тушириш муддати ўтиб кетган.

Бош энергетик бўлимининг ремонт-механика цехи қурилиши ҳам суст олиб борилмоқда. Бу ерда бинонинг устини ёпиш, пардозлаш ишларини жадал олиб бориш мумкин. Аммо 4-махсус трестнинг 165-кўчма механизациялашган колоннаси коллективи объектив сабаблар бўлмагани ҳолда қурилиш муддатигача рия қилмаяпти, ажратилган капитал маблағларни ўзлаштирмаяпти.

Юқори вольтли электр узатиш линиясининг трассасини қуриш суръатини ҳам оширса бўлади. Лекин бу ерда ҳам ишлар тўхтаб ётибди. «Средазэлектросельстрой» махсус қурилиш-монтаж бошқармаси (бошлиғи К. Алижонов) май ойида планлаштирилган 34 минг сўмлик ўрнига 8 минг сўмлик иш бажарган. Натижада 18 та ўрнига атиги иккита таянч ўрнатилган.

Тўқимачилик комбинатида ўтказилган сўнгги планеркада бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар июнь ойида барча камчиликларни тугатилади, деб конкрет муддат белгиладилар. Биринчи ярим йилликнинг сўнгги ойида 303 минг сўмни ўзлаштириш бўйича иш графиги тузиб чиқилди. Агар бу амалга ошса ярим йиллик план бажарилади. Бунинг учун эса муҳим ишга тушириладиган объектларда қурилиш-монтаж, пардозлаш ва бошқа ишларни координация қилиб бориш лозим.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг коллектив мухбири — кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетаси.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КООПЕРАТИВЛАР ЮБИЛЕЙИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда қишлоқ хўжалигида кооператив ҳаракатининг 30 йиллиги нишонланмоқда. ВХРда етиштирилаётган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эндиликда қарийб 70 процентини бераётган Венгрия кооперативлари ўтган йиллар мобайнида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Республиканинг 1400 та кооперативда йирик товар маҳсулотни саноат негизида ишлаб чиқариш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Деҳқонлар ўтган йили айниқса кўп муваффақиятларга эришдилар. Хўжаликларда маҳсулот етиштириш 1976 йилдагига нисбатан 14 процент ошди. Ғаллани ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 40 центнерга, маккажўхори ҳосилдорлиги 49 центнерга етди. Чорвадорлар ҳам йилни муваффақиятли якунладилар. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 430 литрга кўпайди.

Кокснинг дастлабки тоннаси

БЕЛГРАД. Денгиз бўйидаги Бакар шаҳрида кокс заводи дастлабки тонна маҳсулот бера бошлади. Ишга туширилган кокс батареяси ҳар йили 850 минг тонна кокс чиқара олади. Бакардаги завод қурувчилари меҳнатда эришган муваффақиятларини Югославия коммунистлар союзининг шу йил июнь ойида бўладиган XI съездига бағишладилар.

ЮСФРда кокс ишлаб чиқарувчи энг катта корхоналардан бирининг қурилиши 4 йил давом этди. Шу вақт ичида Бакар порти ҳам анча кенгайтирилди ва янгиланди. Завод учун керакли тошкўмир шу портга келтирилади. Адриатика денгизининг хушманзара соҳилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Бакар кўрфази тубидан кўмирни тежамлироқ тарзда ташиш учун 400 метр узунликда махсус тоннель қазилди.

Янги завод ишга туширилиши билан Югославия қора металлургиясининг ҳозирги вақтда кокска бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади.

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

ПРАГА. Бриода Европадаги 21 та студентлар ташкилоти ва Канада вакилларининг ёшлар ва студентларнинг Гаванала ўтадиган XI жаҳон фестивалига бағишланган маслаҳат учрашуви очилди.

Учрашув қатнашчилари ёшларнинг фестивалга тайёргарлигига якун ясаб, шу мамлакатлардаги миллий тайёргарлик комитетларининг ташкилий тадбирларини мувофиқлаштирадилар ва студент ташкилотларининг фестивалга бағишланган программалари мазмунини аниқлайдилар.

2-бет. Тошкент оқшоми
10 ИЮНЬ, 1978 й.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. АБДУНАЗАРОВ, Б. УТЕМОВ: Шаҳримизда ёзув машинкаларини тузатадиган устахоналар борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Весна кўчаси, 223-уйга жойлашган «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолининг шахсий ёзув машинкаларини тузатиб беради. Бу ерга 9-автобус ва 10-трамвайлар билан бориш мумкин. Чилонзорнинг 20-квартал, 1-уйида эса шаҳримиздаги корхона, ташкилотларнинг ёзув машинкаларини тузатиб берадиган устахона жойлашган. Устахона диспетчерининг телефони 76-86-54.

* * *

А. ШОМАҚСУДОВ: Мен яқинда «Слава» маркасидаги қўл соати сотиб олдим. Нима ҳам бўлдию, соат қўлимдан тушиб, унинг ойнаси синиб қолди. Шаҳардаги бир қанча соат тузатадиган устахоналарга мурожаат қилдим. Лекин ана шу маркадаги соатнинг ойнаси йўқ экан. Энди қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Жавоб: «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг биносига жойлашган соат тузатиш устахонасида «Слава» соатининг ойнаси бор. Устахона дам олиш кунисиз ишлайди.

* * *

У. НАЗАРОВ: Яқинда мен магазиндан соат харид қилган эдим. У носоз экан. Шуни магазиндан бошқасига алмаштириб олишим мумкинми?

Жавоб: Мумкин. Фақат Сиз бунинг учун «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилиб, у ердан соатингизнинг носозлиги ҳақида справка олишингиз керак. Ана шундагина соатингиз янгиси билан алмаштириб берилади. Бирлашма Весна кўчаси, 223-уйга жойлашган.

* * *

С. АСҚАРОВА: Ҳозирги кунда қўйлакларни плисировка қилиб кийиш одат тусига айланиб қолди. Мен ҳам шу модадаги қўйлакни тиктиришни хоҳлар эдим. Буни қаерда тикиб беришади?

Жавоб: Бунинг учун «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйига мурожаат қилишингиз керак. У ердаги буюртмачилар Сизнинг қўйлагингиз учун «Новинка» ателъесига буюртма беришади. Бу ателъенинг усталари қўйлагингизни бир ой муддати билан тикиб беришади.

* * *

Х. САНАЕВ, Р. ОСТОНОВА: Бизнинг синтетикадан тиктирган кўйлагимиз йиртилиб қолди. Шуни билинтирмайдиган қилиб қаерда тикиб беришади.

Жавоб: Бунинг учун Сиз Госпиталь бозоридаги 23-ательега мурожаат қилинг, ёки бўлмаса ана шу ателье яқинидаги «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйига мурожаат қилсангиз усталар қўйлагингизнинг йиртилган ва куйган жойини билинтирмайдиган қилиб тикиб беришади.

1 КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА
ГАИ АХБОРОТИ

2-ремонт-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Вячеслав Тишин қаерда, қанча ичганлиги номаълум. Пойтахт Давлат автоинспекциясидан бошқача маълумот олинди. Вячеслав қаттиқ маст ҳолда бор-йўғи 41 сўмга бутун бошли ЯВА—250 мотоциклини сотиб олди. Бу мотоцикл Давлат автоинспекцияси рўйхатидан ўтмаган ва паспорти ҳам йўқ. Маст ҳолда мотоциклни ҳайдашни билмай туриб, уни Қатортол кўчаси бўйлаб ҳайдаб кетди. У 41-уй рўпарасига борганда мотоциклни бошқара олмай, тўғридан Ю. Яковенко бошқариб келаётган РАФ— 977 маркали 49—60 ТНЗ автомобилига бориб урилди.

В. Тишин боши ёрилган, бош мияси қалқиган ва шикастланган ҳолда шаҳар медицина тез ёрдами шифохонасига ётқизилди.

• *Меъморчилик премьералари*

Мамлакатда ягона



ЧИНДАН ҳам ўзининг ишлаб чиқариш майдони ва меъморчилик ечимининг оригиналлиги билан бу дорихона мамлакатимизда ягона ҳисобланади. Биз илгари ушбу дорихонанинг лойиҳаси ҳақида ёзган эдик. Дорихона Охунбобоев майдонида жойлашган бўлиб унинг меъморчилик ансамбли билан уйғунлашиб кетган.

Бу ҳақда дорихона мудири У. Тошбеков ҳикоя қилади:

— Асосий вазифамиз аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашдан иборат. Бундан ташқари у Тошкент фармацевтика институти ва медицина техникумининг ўқув базаси бўлиб қолади. Унинг кўп сонли бўлимларида — дорихона, дори-дармонлар, санитария ва гигиена, минерал сувлар ва бошқа бўлимларида бўлажак медиклар ва фармацевтлар ишлаб чиқариш практикасини ўтказадилар. Бинонинг иккинчи қаватида бунинг учун уларга махсус ўқув аудиториялари кўзда тутилган. Бинонинг учинчи қаватида ҳамшаҳарларимиз Ватан ва Ўзбекистон фармацевтикаси, медицинаси тарихига саёҳат қилишлари мумкин.

Ҳозир дорихона биносига ускуналар ва мебеллар ўрнатиб бўлинди, пардозлаш ишлари тугалланмоқда. Мамлакатимизнинг энг йирик дорихонаси ҳар йили Тошкент аҳолисига 1—2 миллион сўмлик дори-дармон реализация қилади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: дорихонанинг Охунбобоев майдонидан кўриниши; бинога пардоз беришда ишлатилган манзарали панноларлардан бири.

Автор фотолари.



Шанба оқшоми

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

МУЗЛИКЛАР ҚАНДАЙ ЭРИЙДИ?

Музликлар! Улар битмас-туганмас сув манбаидир. Ватанимизда муз запаслари 2433 километр бўлиб, ундан 55 процента Помирда, 33 процента Тянь-Шанда, 5 процента Кавказда, 4,5 процента Сибирь ва Узоқ Шарқда, 2,4 процента Олтой ва Саянда, фақатгина 0,1 процентга яқинроғи Уралдадир.

Ўрта Осиё музликлар ўлкасидир. Унинг жанубий-шарқий қисмидаги Тянь-Шань ва Помир тоғ тизмаларида жойлашган музликлар бепоён далаларимизни суғорадиган Сирдарё, Амударё ва уларнинг кўп ирмоқларини сув билан таъминлайди.

Июнь-сентябрь ойларида музликларнинг умум ҳажмидан кичик бир қисмигина эриб, дарёларни тўйинтиришга сарфланади. Музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар ўлкамиз дарёлари оқимининг учдан бирини ташкил этади. Дарёларимизнинг тўйиниш даври асосий қорлар ўйнайди. Шунинг учун ёш фаслида ёғин-сочин кам бўлган тақдирда, шу йили сув танқислиги кузатилиши турган гап.

Ўлкамиз шароитида музлик сувларининг аҳамияти шундаки, улар ёзнинг иккинчи ярми — июль-август ойлари, яъни экинларнинг сувга бўлган талаби авжи ошган даврда дарёларда сувни кўпайтиради. Сув танқислиги йиллари музликларнинг эришидан олинадиган сувнинг миқдори 20 процентгача етади.

Музликларнинг эришини ошириш бўйича эксперимент тажрибалар ўтказишди. Катта ишонч билан айтиш мумкинки, музликларнинг эришига оқилона таъсир кўрсатиб, улардан келаётган сувни ошириш музликларни унчалик қисқаришга олиб келмайди. Чунки, биринчидан, музликлар йўқотган муз запасларини кўпайтиришга ҳаракат қилади, иккинчидан, музликларга актив таъсир кўрсатиш фақатгина сув танқислиги йилларидагина олиб борилиши лозим. Музликларга актив таъсир кўрсатиш ва улардан келаётган сув миқдорини ошириш билан силжиши мумкинлигини олдиндан айтиб бериш бўйича бирмунча унумли ишлар қилишди. Эндиликда мамлакатимиздаги барча тез силжиш одати бор музликлар доимий назорат остига олинган.

Музлик сувлари табиатдаги бошқа манбаларга қараганда тоза бўлгани улардан келажакда хўжалик ва саноат мақсадларида кенг кўламда фойдаланиш имконини беради.

А. АКБАРОВ,

Ўрта Осиё регионал илмий текшириш гидрометеоролог и к институтининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

Биласизми?

● Ҳар йили Ватанимиз территориясига 11694 куб километр ёғин ёғади. Агар бу сув билан ер юзини бир текисда қоплаганда 531 миллиметр қалинликни ташкил қилади. Ёғиннинг ярмидан кўпроғи буғга айланади, қолгани денгиз ва кўлларга қуйилади.

СУВ ВА ҲАЁТ

● Мамлакатимиз да 2 миллион 870 минг дарё, ирмоқ ва узунлиги бир километрдан кам бўлмаган ариқ ва анҳорлар бор. Иттифоқимизда аҳоли жон бошига бир йилда 20 минг тонна чучук сув тўғри келади.

● Баъзи кишилар денгиз суви ўсимликларга зарарли дейишади. Ваҳоланки, Италия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда денгиз сувида суғорилаётган картошка, бугдой ва арпалар бинойидек ўсиб, ҳатто қурғоқчиликка чидамли ҳам бўлмоқда.

● Ер ости чучук сувлари ер усти чучук сувлари миқдоридан кўп. Ер остидаги нам сақлайдиган қаватлар сувга турли муддатларда, масалан, баъзи қаватлар бир неча ҳафтада, баъзилари эса бир неча минг йиллар мобайнида тўйинади. Шу боисдан ер остидан олинадиган сувларнинг «ёши» бир хил бўлмайди. Жумладан, Қирғизистон ери остидаги қаватларда сув 3—4 ойда янгиланиб туради. Харьков ва Полтава ер ости сувларининг «ёши» минг йилдан кам эмас. Сочи атрофидаги Мацеста курорти шифобахш сувининг ёши эса 30 миллион йил деб тахмин қилинади.

ЖИРАФА: — Қачон мен ҳам сиздек новча, катта бўламан?

ТОВУҚ: — Мушук тойларим, шўхлик қилманглар.

ДЕЛЬФИН: — Мени ҳам қайиғингга ол, дўстим.

(ТАСС фотолари).

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

СУТ ПОРОШОГИ ФОЙДАЛИМИ?

Оқшомхон М. Юсупов «Сут порошоги нимадан тайёрланади ва қай усулда олинади, унинг сигир сутидан фарқи борми?» — деб сўрабди.

Маълумки, сут энг яхши неъмат ва айниқса болалар, қариялар ҳамда беморларнинг овқатланишида бебаҳо парҳез ҳисобланади. Бироқ сутни узоқ жойларга элтиш жуда мураккаб ишдир: тез айнийди, автомашина, поезд, пароход, ва самолёт цистерналарида ташилганда чайқалиб ёғи ажраб қолади ёки идишдан идишга қўйилаверса турли бактериялар тушиб ачийди. Шунинг учун ўтган асрда сутни порошокка айлантириб ташиш ва узоқ муддатларгача сақлаш усули кашф қилинган эди. Сут заводларида вакуум-аппаратлар бўлиб, унда сут қуйилтирилади, буни қизитиладиган ва айланиб турадиган металл барабан юзасига автоматик усулда қуйилади. Барабан сиртида сут нафис қатлам ҳосил қилиб қурийди ва буни қириб олиниб махсус тегирмонга солиниб элаки қилинади. Порошокни сира ҳаво ва нам ўтмайдиган идишларга жойлаб жўнатилади ёки бир неча йил сақланса ҳам бўлаверади.

Сут порошоги сигирнинг ёш ойларида соғиб олинган сутидан тайёрланади. Чунки бу фаслда соғилган сутда дармон-дорилар, ёғ, шакар, оқсил ва бошқа моддалар анча кўпроқ бўлади. Масалан, порошокли сутдаги оқсилнинг миқдори 26.5 процентга, ёғининг миқдори 25 процентга, шакар (лактоза) 38.5 процентга, минерал тузлар 6.5 процентга, намлиги эса 2.5 процентга боради.

Порошокли сутнинг калорияси 1380 калорияга тенг. Қуруқ сутни хонаки усулда суюқ сутга айлантириш учун 1 стакан илиқ сувга 5 чой қошиғида порошок солиб яхшилаб ийланади. Бунда сувни озроқдан то стакан тўлгунча қуйилади ва тўхтовсиз аралаштириб турилади, сўнгра қайнатиб ичилади.

Гастрономларда сотилаётган сут ҳам заводдаги қуруқ сутдан тайёрланган бўлиб, бунинг сигир сутидан ҳеч қандай фарқи йўқ. СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли сут заводлари йилига юз минглаб тонна қуруқ сут ишлаб чиқармоқда.

Сут порошогидан кенг фойдаланинг. Суюлтирилган порошокли сутдан қатиқ ивитса ҳам бўлади. творог тайёрлаш ҳам мумкин. Сут порошокини унга қориштириб хамир қилиб нон ёпсангиз яна фойдалидир.

К. МАҲМУДОВ.

◆ ҲАЙВОНОТ ■ ОЛАМИДА

◆ «СОҚЧИ» ҚУШЛАР

Бойқуш ва япалоққушни деҳқонлар «Соқчи қушлар» деб номлаган. Бу гап бежиз эмас. Уларнинг ҳар бири бир йил давомида минглаб кемирувчини гумдон қилади. Битта кемирувчи эса, бир килограммдан дон ейди, яъни бойқуш билан япалоққушнинг ҳар бири йил давомида минг килограмм донни сақлаб қолади.

◆ ЎН ГРАММЛИ ЖОНИВОР

Саъванинг оғирлиги ўн грамм келади. Бу митти қуш дарахтларнинг «санитарна»си ҳисобланади. Саъва ўзи кичкина бўлса ҳам, жуда хўраккушдир. У бир кунда оғирлигига тенг овқат ейди. Демак, саъва бир кунда ўн грамм зарарли ҳашаротни йўқотади, бунинг устига у йилда икки марта бола очиб, уларни боқиш учун минглаб зараркунандаларни болаларига едиради.

◆ СЕРҲАРАКАТ «ҲУЖУМЧИ»

Ўлкамизда учрайдиган қушлар ичида энг фойдалиларидан бири чумчуқдир. Бу қуш икки марта бола очади ва йигирма мингдан ортиқ ҳашаротнинг ёстиғини қуритади. Бу серҳаракат ҳужумчи қуш олма, ўрик ва бошқа мевали дарахтларни зарарқунандалардан ҳимоя қилади.

Ҳаёт — саъе-ғайратдир

● **Ҳикоят:** — Бир қари чол боғида севина-севина, кула-кула ишларди, мевали дарахт кўчатларини тупроқ ичига ўтказарди. Бир ёш йигит бу шод кўнгилли меҳнатсевар чолни кўриб:

— Бобожон, ўзингизни нега бунча қийнайсиз. Ёшингиз етмишдан ҳам ошган бўлса керак, энди роҳатланиб дам олиб ётсангиз бўлмайдими? Бу ўтқазган кўчатларингиз қачон ўсади-ю қачон мева беради? Бир қанча йил ўтгандан кейингина мева беришлари мумкин. У вақтгача яшаб меваларидан ейиш сизга насиб бўладими. йўқми, буниси номаълум. Қўйинг, ўзингизни бунча қийнаманг, — деди.

Ғайратли чол кулиб айтди:

— Бўтам, ёш бола вақтимда бу боғ ҳар хил хуш ҳидли гуллар ва мевали дарахтлар билан тўлган эди. Бобом тинмай ишлаб боғини яшнатди. Мен ва бошқа невара-чевараларн учун мевали дарахтлар етиштирди. Энди мен ҳам бобом каби чол бобо бўлдим. Менинг ҳам невара-авараларим бор. Бобомга ўхшаб мен ҳам қўйинчоқларим учун мевали дарахт кўчатларини ўтқазишга киришдим. меваларини ейиш менга насиб бўлмаса, ахир невара-авараларим ейдилар-ку, шу мақсад учун ишлаётирман. Агар ишламасам ҳаётим ҳеч нарсага арзимай қолади. Ўглим, асло унутма, ҳаёт — саъе-ғайрат демакдир.

Байт:

Гар саодат истасанг, меҳнатга кўнгил боғлагил,
Саъе, ғайрат ҳам матонат
бирла доим ишлагил.

● **ҚИССА:** — Кунлардан бир куни бир мутакаббир ўргимчак ипак қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман, бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб кўп вақт сарф этасан. Мана менга қара. тез-тез ишлаб озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан оёгигача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдими? — деди. Ипак қурти унга:

— Тўғри. ишла суръат. тезлик керак. лекин сен сингари шошиб-пишиб. апил-тапил ишлашдан фойда чиқмайди. шунинг учун сенинг тўрингга ҳеч бир қимматга эга эмас. менинг тўрим эса жуда қимматли тўр. — деб жавоб берди.

ҲИССА: шошма-шошарлик билан ишлашдан ҳеч фойда ҳосил бўлмайди. Ишнинг сонига эмас. сифатига диққат қилиш лозим. «Оз ишла. соз ишла» деб бекор айтмаганлар.

Байт:

Шошқалоқлик ниҳолин
ўтқазсанг,
Бергуси меваи пушаймонлик.

● **ҲИКОЯТ:** — Қадимги арабларнинг «Умавия давлати» халифаларидан Абдумалик ибн Марвон. жуда ҳам фаҳмли. идрокли. заковатли одам эди. Бир кун мансабдорларидан бири унинг ҳузурига чиқиб, баъзи бир кишилар ҳақида ўз фикрини айтмоқчи эканини сўзлади. Абдумалик у мансабдорнинг ёмон ният билан келганини, яъни бир киши устига бўҳтон тошлари ёғдирмоқчи эканини англаб унга шундай деди:

— Истаганингизча сўзлашга рухсат этаман. фақат икки шартимга риоя қилишингиз керак. Биринчидан, мени махтаб, «жаноб халифам. ҳалифатул муслимин. амирал мўъминин» каби мақташ-дан иборат бўлган сўзларни оғзингиздан чиқарманг. бундай мунофиқона айтилган сўзларнинг менга кераклиги йўқ. чунки мен ўзимнинг кимлигимни бошқалардан кўра яхшироқ биламан. шунинг учун фақат муддаонгизни тўғридан-тўғри айтаверинг. Ким ҳақида сўзламоқчи бўлсангиз. тўғрисини сўзланг, ғаразгўй. иғвогар. туҳматчи лақабга эга бўлмай. текшираман. у киши ҳақида нотўғри сўзлаган бўлсангиз. ўзингизга жазо бераман, буни унутманг. Ёлғончи. иғвогар одамнинг сўзларига эътибор бермайман. Шу икки шартимни қабул қилсангиз. қани сўзланг. эшитай.

Халифа Абдулмаликнинг бу иккита шарти мансабдорни анча ўйлатиб қўйди:

— Рухсат беринг, қайтиб кетай, мендан талаб қилганингизча сўзлашдан ожизман, — деб айтишга мажбур бўлди. ўзининг иғвогар. туҳматчи одам эканлигига қалбан иқрор бўлди.

Ёлғончи. иғвогар. туҳматчилар жамият учун энг зарарли унсурдирлар. Улардан четлашиш, сўзларига эътибор бермаслик лозимдир.

Байт:

Кимсага туҳмат тошин
ёғдирма, бўлма бадқилиқ,
Айлама асло ёмонлик,
яхшилик қил, яхшилик.

Энг буюк завқ

● **ҲИКОЯТ:** — Хорунаррашид ўз вазири Жаъфар. яна ўзининг энг яқин хизматчиси билан суҳбатлашиб ўтирганди. Гапдан гап чиқиб Жаъфар Хорундан:

— Нимадан энг кўп завқланасиз? — деб сўради.

Хорунаррашид шундай жавоб берди:

— Мен энг нафис кийимлар кийдим. лаззатли овқатлар едим. энг нодир шарбатлар ичдим. энди буларнинг ҳеч бири мени завқлантира олмайди. Умримнинг шу лаврида соф. тоза ҳавода нафас олиш, бир пиёла кўм-кўк ва мудек сув ичиш ва бола-чақаларимнинг атрофимда гирди-капалак бўлиб юришларини кўриш энг буюк завқимдир.

Шундан кейин Хорун ҳам Жаъфарга шундай савол берди. Жаъфар айтди:

— Менга марҳамат қилиб берган боғингизда умр кечириш мен учун энг буюк завқдир.

Жаъфарнинг жавобини эшитгандан кейин Хорунаррашид суҳбатлашиб ўтирган энг яқин хизматчисидан ҳам ҳудди шундай савол қилди. Хизматчиси айтди:

— Менинг оладиган завқим сизларникидан тамом бошқачадир. Қандай завқ дейсизми? Мана эшитинг. диққат билан қулоқ солинг. Етим-есирларга. оҳиз дармондаларга қўлдан келгунча ёрдам бериш. умуман ҳаммага яхшилик қилиш мен учун энг буюк завқдир. Бу завқ халқ кўнглига нақш этилган. шоирлар томонидан мақталган. ҳаммага маъқул ва мақбул бўлган энг буюк завқдир. Сизларнинг оладиган завқингиз менинг завқим олдида ҳеч даражасига тушиб қолади.

Хорунаррашид хизматчининг сўзларини эшитгач. ўрнидан туриб Жаъфарга:

— Бугунги суҳбатимиз етади. кетайлик. бу хизматчим ҳақ сўзлари билан мени ҳам. сени ҳам маглуб этди, — деди.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ИПАКЛАР КАМАЛАГИ

ФАРҒОНАДА ҚЎЧМА ВИСТАВКА

ФАРҒОНАДАГИ 1-шаҳар маданият уйида очилган республика ҳайкалтарошлик ва мўйқалам усталари асарларининг кўчма виставкаси «Ўзбекистон тасвирий санъати» деб аталган. Экспозицияда ўттизта тасвирий асар ва скульптура бор. Республика меҳнаткашларининг ҳаёти ва ютуқларини тасвирлаш шу асарларнинг асосий мавзуидир.

(ЎзТАГ).

Марғилон шойи комбинати коллективи «Дилбар» деб номланган гули чиройли газлама ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу газлама табиий ва синтетик ипак толасидан тайёрланади. Газлама сунъий тола қўшилганлиги туфайли силлиқ ва гижимланмайдиган бўлди. Бу чиройли газламанинг дастлабки туркуми магазинларга жўнатилди ва харидорлар дидига ёқиб қолди. Энди корхона коллективи 100 минг метр «Дилбар» газламасини ишлаб чиқаради.

Республика енгил саноат корхонаси ёз мавсуми учун «Янгилик» номи билан 12 хил газлама турини харидорларга таклиф қилди. Булар орасида гулли читлар. чиройли крепдешинлар. миллий суратлар туширилган ипак газламалар бор.

(ЎзТАГ).

ҲАВАСКОРЛИК СТУДИЯСИНИНГ БИРИНЧИ СПЕКТАКЛИ

Наманган шаҳар маданият саройи қошидаги ҳаваскорлик театри студияси Уильям Сароянинг «Ҳой, ким бор!» пьесаси асосида биринчи спектаклни саҳнага қўйди.

Ҳозир студияда саҳна санъати ҳаваскорларидан йигирма киши бор. Булар турли ёшдаги ва турли касбдаги кишилар. Машинасозлик заводининг слесари Равиль Низомбоев ва «Электротерм» заводининг инженери Раиса Черникова, шаҳар Пионерлар уйининг ходими Тамара Юрова ва мактаб ўқувчиси Сергей Просторов ҳамда бошқа ҳаваскор артистлар бу ерда зўр қизиқиш билан саҳна санъати сирларини ўрганадилар. Тошкент медицина институтини битириб чиққан Александр Чикризов ва Саида Ларина ана шу ижодий коллективга раҳбарлик қилмоқда.

Ҳаваскорлик студиясининг режалари катта. Улар А. Чеховнинг бир пардали «Юбилей» деб аталган пьесаси асосидаги спектакль устида олиб борилаётган ишларни якунладилар. Л. Устиновнинг «Кичик шарманкачи» эртаги асосидаги спектаклни саҳналаштирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

«АСАРЛАР» — АДАБИЙ ТОПШИРИҚ

Азиз оқшомхонлар! Қуйида таъриф этилган асарларнинг номлари шаклда берилган «нома» сўзи билан туганланади. Уларнинг тўлиқ номларини рақам ёзилган хонадан бошлаб ёзиб чиқиб, ўзингизнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.

1. Озарбайжон шоири Самад Вургун поэмаси. 2. Бухоролик тарихчи ва шоир Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Ўрта Осиёга бағишланган тарихий асари. 3. Муқимийнинг лироэпик асари. 4. Кайковуснинг тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асари. 5. Классик шоир Фирдавсийнинг эпопеик асари. 6. Тарихчи олим Шарафиддин Али Яздийнинг тарихий асари. 7. Ўрта аср Шарқида биринчи тарихчи аёл Гулбаданбегимнинг эсдалик асари. «Бобирнома»нинг давоми. 8. Маҳсуд Шайхзода поэмаси. 9. Мунис Хоразмий ишқий достони.

Тузувчи:

Фозилжон Орипов.

Редактор Ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

10 ИЮНЬ, 1978 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ИЮНЬ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бола—болада». Телевизион бадиий фильм. 11.05 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Ватан қалби», «Москвада меҳнат байрами». 16.00 «Изланиш йиллари». Совет педагоги С. Т. Шацкий туғилган кунининг 100 йиллигига. 16.30 «СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари». 17.00 Огир атлетика бўйича Европа чемпионати. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Буратино кўргазмаси». 18.15 «Амур бўйидаги шаҳар сшлиги».

18.30 Янгиликлар. 18.45 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 19.15 «Учинчи инд— зарбдор йил». «Қайта қуриш— бош йўналиш». Кўрсатувда КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин иштирок этади. 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Шотландия— Голландия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Калинин шаҳар вагонсозлик заводининг ёшлар клубида дўстлар учрашуви. 23.10 СССР Давлат академик симфоник оркестри чалади. Дирижёр— Э. Чакиров (Болгария). Программада П. Владигеров ва Р. Штраус асарлари. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Тап ва Мика». Болалар учун мультфильм. 18.55 Халқаро масалалар бўйича телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Узбекистоннинг қўшиқлари ва рақслари». Телевизион фильм-концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон композиторларининг операларидан арияларга ва дуэтлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Қонунга мувофиқ». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Ўқитувчилар экрани». 21.05 «Кичик концерт». Телевизион фильм-концерт. 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш».

13 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Буюк эртакчининг сири». Бадиий фильм (ЧССР). 11.10 «Ҳайвонот оламида». 12.10 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 15.30 «Беш йиллик қурилишларда». «Бригада пудрати». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 16.15 «Звёздочёт». Телевизион журнал. 17.15 А. Твардовский. «Поэмалар».

17.45 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта болалар хорининг концерти. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қўёш акси бор». 19.00 «Инсон ва қонун». 19.30 Халқаро конкурслар лауреати С. Лейферкус куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.50 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Она». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Совет куйларининг танланган саҳифалари». Арманистоннинг музика санъати. 23.15 «Қардошлик ороласи». Ҳужжатли фильм. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ пионер ери». 18.30 «Фан» программаси. 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 Телевизион театр. М. Байжиев. «Ҳар хонадонда байрам». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо, өткур саломимни». Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва А. Эркаев ижросида классик қўшиқлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Камолот сари». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Диалектика қонунлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 21.05 «Агар сен ишчи бўлсанг». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.25 Абитуриентлар учун. Физика.

14 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта болалар хорининг концерти. 10.40 «Она». Бадиий фильм. 13.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.30 «Рус тили». 17.00 Қиличбозлик бўйича СССР чемпионати. Львовдан олиб кўрсатилади.

17.30 «Сиз яратган бог». 18.00 «Горичлар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Бола ва қизча». Мультфильм. 18.55 «Фан оламида». 19.25 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.10 «Спортлото» тиражи. 20.20 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. II финал даврасн. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Биринчи аккордлар». Болалар учун телевизион фильм-концерт. 11.20 «Менинг авлодим». Телеспектакль 1-қисм (рус.). 12.40 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак?».

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 18.15 «Узбек шоирларининг янги таржима қилинган асарлари». Р. Бобожон. 18.45 «Зангори экран» почтаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мерос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»). 19.40 «Шеърият билан учрашув». Ҳ. Шарипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбек халқ қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм. 23.15 Самбо қураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Абитуриентлар учун. Биология. 21.00 «Пермь Давлат бадиий галереяси». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. 21.40 Абитуриентлар учун. Биология (рус.).

15 ИЮНЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Асл йигитлар». 10.40 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 1-серия. 11.45 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 15.30 «Музликлардаги жасорат». Ҳужжатли фильм. 16.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Дрезден расмлар галереяси». Германия, Испания, Франция живописи. 17.05 «Шахмат мактаби». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 17.35 Қиличбозлик бўйича СССР чемпионати. Львовдан олиб кўрсатилади.

18.05 «Ҳадя этилган саёҳат». Концерт. Болгариядан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 18.55 «Мардлик трассаси, ёшлик трассаси». Байкал-Амур магистрали қурувчилари ҳақида. 19.40 Балет ёш артистларининг концерти. 20.20 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Г. Менглет. 23.10 Оммавий классик куйлардан концерт. 00.10 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Малишок» программаси. 11.30 «Разведкачилар». Бадиий фильм. 12.45 «Менинг авлодим». Телеспектакль. 2-қисм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Янги артак». Болалар учун мультфильм. 18.15 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қорнеқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Саников ери». Бадиий фильм. 23.45 Самбо қураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Реклама. 20.30 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз» (рус.). 21.00 Совет қўшиқларидан концерт. 21.25 Абитуриентлар учун. Математика.

16 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ёш спортчининг катта майдони». 10.40 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.45 «Халқ ижоди». 12.30 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 15.30 «Валентина Терешкова» Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Чеховга қайта мурожаат...» 17.00 Озарбайжон бадиий коллективларининг концерти. 17.30 «Москва ва москваликлар».

18.00 «14 дан 18 гача». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жасорат»нинг дала почтаси». 19.20 «Менинг Карменим». Телевизион музикали фильм. 20.20 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.35 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 00.10 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 12.00 «Оқ ёл ҳақида қисса». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.05 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Дадамнинг хотиги». Болалар учун телефильм. 18.13 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 18.45 «Миллионлар фикрига ҳамоҳанг асар». Узбекистон партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китобини ўрганиш ҳақида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «Галла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Оналар-қизлар». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ўша кунларда». Бадиий фильм. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Қизиқарли математика». Ўқув кўрсатуви. 21.00 «Тошкент ва тошкентликлар» (рус.). 21.30 Абитуриентлар учун. Математика.

17 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Моҳир қўллар». 10.25 «Халқ оҳанглари». Концерт. 10.40 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.45 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Давлат Третьяков галереяси». «Коллекциялар тарихи». 1-қисм. 13.15 «Поэзия». Михаил Светлов. Туғилган кунининг 75 йиллигига. 14.20 «Здоровье» Илмий-оммабоп программа. 15.05 «Ўзимизнинг ўлка». Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида кинопрограмма. 16.00 «Спортлото» тиражи. 16.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.10 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур.

17.45 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларидаги суҳбати. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Мультфильмлар программаси. 19.15 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 19.30 «Чин қалбдан». Владимир шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари билан учрашув. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «Операттанинг мангу тонги». Фильм-концерт премьераси. 23.00 Огир атлетика бўйича Европа чемпионати. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Ота-оналар университети». 11.20 «Буратинонинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм 1-серия (рус.). 12.25 С. Айний номли Самарқанд педагогика институти бадиий ҳаваскорлик коллектив ижро этади. 12.55 Самбо қураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 13.55 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 14.45 «Узбекистон» спорти.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қоғоз балладаси». Болалар учун мультфильм. 17.45 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида». 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 18.45 «Ижод саҳифалари». Шуҳрат. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мусиқа жавони». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Циркда бир кун». Цирк программаси. 21.05 «Олтин водий куйчиси Узбекистон ССР халқ артисти Муроджон Аҳмедов». Телевизион фильм-концерт премьераси. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «Пахтакорларнинг муҳим вазифалари». 22.15 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Ёшларнинг республика спорт ўйинлари. Спорт гимнастикаси. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 «Ғунчаҳон санъат». Болалар учун концерт. 17.45 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.30 «Приморье чинниси-нинг жилолари». Ҳужжатли фильм. 18.45 «Здоровье». Телевизион журнал (тожик тилида). 19.15 «Новости» информацион программаси. 19.30 Москва. «Чин қалбдан». Владимир шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари билан учрашув. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 Концерт. 23.35 Душанба кўрсатувларининг охири.

18 ИЮНЬ— ЯКШАНБА

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!» 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 Болалар учун. «Капитан Немо». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.35 «Музикали киоск». 13.00 Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Театр спектакли». К. Симонов. «Лопатининг ёзувларидан». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 16.10 В. А. Моцарт. 31-симфония. Ре мажор. 16.30 «Халқаро панорама». 17.00 «Бугун — медицина ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский иштирок этади.

17.45 «Хатларингиз асосида». Медицина ходимлари кунига бағишланган музикали программа. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Оператор Кипс кимсаси оролда». Мультфильм. 19.05 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.05 Киев Давлат хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти. 20.25 «Қўшиндирмиз» туркумидан. «Каккулик соат». Телевизион спектакль премьераси. Автор—Л. Филатов. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Касрашвили ва Грузия ССР халқ артисти З. Соткилава концерти. П. И. Чайковский номли концерт залидан олиб кўрсатилади. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. II финал даврасн. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 00.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Ота-оналар университети». 11.20 «Буратинонинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм 1-серия (рус.). 12.25 С. Айний номли Самарқанд педагогика институти бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 12.55 Самбо қураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 13.55 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 14.45 «Узбекистон» спорти.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

16.45 Кўрсатувлар программаси. 16.50 «Экран — болаларга». 17.30 «Диққат, табиат!». Телевизион фильм. 18.00 Телевизион фильмлар. 18.45 «Бугун — медицина ходимлари куни». 18.55 Медицина ходимлари учун концерт. 19.30 Телевизион постановка. 20.20 «Тогуз кайрик». Телевизион конкурс. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ 1-ФИРМА МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

БУ ЕРДА 13 ИЮНДАН 18 ИЮНГАЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАЙЁРЛАГАН АЁЛЛАР ЁЗГИ ҚЎЙЛАКЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ

Сизлар учун мазкур бирлашма чиройли ва ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлаган. Буюмлар модали, бежирим, замонага хос хушбичим, хушранг.

Бу янгиликлар — чиройли, хушбичим кўйлаклар қиз болаларга ва келишган ёш аёлларга мўлжалланган бўлиб, ҳар куни кийиб юрилади.

Анчагина башанг кўйлаклар романтик услубда тикилган бўлиб, дам олиш вақтларида кийиш учун мўлжалланган. Бурмалар, уқа ва юмшоқ белбоғ—ана шу кўйлаклардаги энг модали деталлардир.

Газмол — силлиқ, енгил ва юпқа ипакдир. Размерлари — 44—48 гача.

Классик услубдаги кўйлакларни модельер-рассомлар ҳар қандай вақтда, ҳар қандай ёшдаги аёлларга ва исталган комплекцияда кийишни тавсия қиладилар. Сизларга яхлит бичилган, этагида марказдан узунасига чок солинган янги моделдаги кўйлак айниқса ёқиб тушади.

Узунасига ўтказилган чоқлар қоматингизни тик тутади ва бўйингизни анча чўзиқ кўрсатади.

Фигурали бурма, чок ўрнига ишлатилган юмшоқ қайрилмалар, йўрмалар бу кун, айниқса кенг қўлланилаётган модали штрихининг деталларидир.

Газмол — ипак, трикотин, кримплен. Размерлари —54—60.

Енгил кўкрак бурмали ва этаги клеш юбкали, яхлит бичилган, белида эркин турувчи, анъанавий миллий бичимдаги бундай кўйлаклар сизларнинг кўркингизга кўрк қўшиш ва қувонтириш учун мунтазир.

1-магазин адреси: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Навоий кўчаси, 18-уй. (1, 4, 8, 18-троллейбуслар, 14, 28-автобуслар, 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Санъат саройи» бекати, метронинг «Пахтакор» станцияси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструк торлик ва технология бюроси.

«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бошқармаси қошидаги

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БЎЙЛАБ ТУРИСТИК САЁҲАТЛАР УЧУН ПУТЁВКАЛАРГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПОДДУБСКАЯ (Ленинград атрофи) **турбазаси — 14, 24 июнь, 2, 12, 22 июль, 1, 3, 11, 13, 22 августдан 10 кунга. Баҳоси 60 сўм.**

МОВИЙ КЎЛ БЎЙИГА — **18, 28 июль, 26 августдан 20 кунга. Баҳоси — 100 сўм.**

ЖАНУБИЙ КАВКАЗ КУРОРТЛАРИ БЎЙЛАБ —**28 июль, 8 августдан 20 кунга. Баҳоси—85 сўм.**

КАВКАЗ ТОҒ ЕНБАҒИРЛАРИ БЎЙЛАБ — **20 июль, 19 августдан 20 кунга. Баҳоси— 88 сўм.**

МОЛОДОГВАРДЕЙСКИЙ — **18 июль, 7, 8 августдан 20 кунга. Баҳоси — 120 сўм.**

ЛЕРМОНТОВ БЎЛГАН ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ — **27 июль, 16 августдан 15 кунга. Баҳоси—95 сўм.**

МЕШЕРСКОЙ ЎЛКАСИ БЎЙЛАБ — **18 июль, 2 августдан 20 кунга. Баҳоси—75 сўм.**

КЛЯЗЬМА ДАРЕСИ БЎЙЛАБ — **11 июль, 6 августдан 20 кунга. Баҳоси—73 сўм.**

ҚИРҒИЗИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН (Иссиққўл) БЎЙЛАБ — **27 июнь, 27 июль, 16, 26 августдан 20 кунга. Баҳоси — 110 сўм.**

ДОҒИСТОН БЎЙЛАБ — **10 июль, 9 августдан 20 кунга. Баҳоси — 90 сўм.**

ГРУЗИЯ-ҲАРБИЙ ЙЎЛИ БЎЙЛАБ — **10, 18 июлдан 20 кунга. Баҳоси—94 сўм.**

АРМАНИСТОНДАН КАСПИЙ ДЕНГИЗИГА — **10, 20 июль, 10 августдан 21 кунга. Баҳоси— 118 сўм.**

ГОГОЛЬ БЎЛГАН ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ — **24, 26 июлдан 20 кунга. Баҳоси — 100 сўм.**

ЖАНУБИЙ САҲАЛИН БЎЙЛАБ — **14 июль, 23 августдан 19 кунга. Баҳоси—120 сўм.**

ОЗАРБАЙЖОН ВА ГРУЗИЯ БЎЙЛАБ — **19 июлдан 20 кунга. Баҳоси—125 сўм.**

ЛИТВА БЎЙЛАБ — **29 августдан 20 кунга. Баҳоси—90 сўм.**

СЕЛИГЕРСКИЙ ТУРБАЗАСИ — **12, 13 августдан 20 кунга. Баҳоси—80 сўм.**

ЛАТВИЯ БЎЙЛАБ — **29 августдан 21 кунга. Баҳоси—117 сўм.**

ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ ЖОЙЛАРИ БЎЙЛАБ — **28 августдан 20 кунга. Баҳоси—135 сўм.**

ҒАРБИЙ УКРАИНА ВА БЕЛОРУССИЯ БЎЙЛАБ — **8, 10, 20 августдан 20 кунга. Баҳоси—99 сўм.**

АРМАНИСТОНДАН ГРУЗИЯГА — **20 августдан 19 кунга. Баҳоси — 119 сўм.**

ПУТЁВКА БАҲОСИГА ОВҚАТЛАНИШ, ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ, МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИСТИК БАЗАЛАРДА ЯШАШ ҲАҚЛАРИ ҲАМ КИРАДИ.

ПУТЁВКА СОТИБ ОЛИБ, УНГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН АВИАБИЛЕТГА БУЮРТМА БЕРИШ МУМКИН.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 50 «а»-уй (1, 4, 17, 24, 71-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати). Телефон: 66-03-53.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16—25 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«ЛИЛИПУТЛАР РЕВЮСИ»НИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.30, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 10/VI да **Севги ҳақида қисса** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/VI да **Келинлар кўзголони** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **—Москва давлат муз устида цирк артистларининг хайрлашув гастролла...**

КИНО

10 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Елғончи — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ комли (18, 20.30), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

Гайдуклар шарафи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — «ХИВА» (20.45).

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

11 ИЮНЬ — ЯКШАНБА ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевиденнесининг «Восток» программаси

18.00 Мультфильмлар программаси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Пахоменко куйлади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Буюк эртакчининг сири». Бадиий фильм (ЧССР). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «М. Балакирев романслари». Фильм-концерт. 22.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Димкининг хуроэчаси». «Димкининг жаҳли чиқди». Болалар учун телевизион фильмлар. 18.05 «Малишок» программаси. 18.35 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». 18.55 «Орасть кипинайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.45 «Цирклни севмай бўладими?». Цирк томошалари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қишлоқ хўжалик ходимларини шу куни вазифалари». 22.10 «Замон назм-навоси». Собир Абдулла. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 16.50 «Премьерага йўл». Фильм-концерт. 17.20 «Новинки» киноклуби. 18.35 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». **Қирғиз тилида:** 18.45 Енгил саноат ходимларига бағишланган концерт. 19.25 «Достон». «Кедейкан» поэмасидан парча. 20.15 «Ёзувчи ва ҳаёт». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Сандардин Чатаги». Биринчи қирғиз мультфильмининг премьераси. Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси Ч. Айтматов кириш сўзи билан бошланади. 22.30 «Телеграммалар... Телеграммалар... Телеграммалар», Фильм-ревю (рус.). 23.40 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Узбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигининг халқ бадиий ҳунармандчилик республика саноат бирлашмаси коллективи Тошкент миллий музика асбоблари экспериментал фабрикасининг директори С. А. Ахмедовга онаси

Марҳамат ХАБИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг конструкторлик бюроси коллективи бюро ходими Т. Исҳоқовга отаси

Исҳоқ ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

10 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан маънаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42

Р—03374 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1331.